


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

*71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилидир.

## МУНДАРИЖА

T/п		бет
1.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи .....	4
1.2.1.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари .....	4
1.2.2.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари .....	5
1.2.3.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари .....	5
1.2.4.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари .....	5
2.	71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар ....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув вараги .....	10

## **1. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манбаатдор шахслар.

#### **1.2. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

##### **1.2.1. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича)** – “Хизмат кўрсатиш соҳаси” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш; туризмни ташкил этиш билан боғлиқ давлат органлари, давлат ва хусусий туризм компаниялари; туристик консалтинг компаниялари, туризм корхоналарининг маркетинг хизматлари, туризм инфратузилмаси объектлари, туризмни ривожлантириш муаммоларини ўрганувчи тадқиқот ташкилотлари, туристик маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш, туризм саноатининг асосий тармокларида интеграциялашган сайёҳлик хизматларини ташкил этиш, туристик ва рекреацион худудларни лойиҳалаштириш ва бошқаришни қамраб олади.

**1.2.2. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлари;
- тизимли таҳлил ва оптимал карор қабул қилиш жараёнлари;
- туризмни ташкил этиш билан боғлиқ давлат органлари (вазирликлар, ҳокимиётлар, уларнинг минтақавий бўлинмалари ва тузилмалари), давлат ва хусусий туризм компаниялари; туристик консалтинг компаниялари, туризм корхоналарининг маркетинг хизматлари, туризм инфратузилмаси объектларидаги фаолият;
- туризм саноатининг асосий тармокларида интеграциялашган сайёхлик хизматларини ташкил этиш, туристик ва рекреацион ҳудудларни лойиҳалаштириш ва бошқариш;
- туризм индустряси корхоналари - туар жой бинолари, транспорт; овқатланиш жойлари, курортлар, даволаш ва дам олиш, спорт ва фитнесс хизматлари, муассасалар ва иншоотлар, кўнгил очиш, когнитив бизнес ва бошқа мақсадлардаги объектлар, экскурсия фаолияти, хизмат кўрсатувчи провайдерлар, таржимонлик, инструкторлик ва бошқалар фаолиятини ташкил этиш.

**1.2.3. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- лойиҳавий-иктисодий фаолият;
- ишлаб чиқариш ва технологик фаолият;
- ташкилий ва бошқарув фаолияти;
- хизмат кўрсатиш фаолияти;
- илмий-тадқиқот ва педагогик фаолияти;
- дизайнерлик фаолиятида;
- ахборот технологиялар фаолияти.

**1.2.4. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Лойиҳавий-иктисодий фаолиятда:**

- берилган мезонлар ва тартибга солиш талабларига мувофиқ туристик маҳсулотни лойиҳалаш бўйича вазифаларни баён килиш;
- туризм маҳсулотини яратишда инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- туристик дастурлар, туристик пакетлар, экскурсия дастурлари ва бошқа туризм фаолиятининг маҳсулотларини лойиҳалаш;
- технологик, ижтимоий-иктисодий ва бошқа талабларни ҳисобга олган ҳолда туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш;

**Ишлаб чиқариш ва технологик фаолиятда:**

- туристик маҳсулотни сотишда замонавий технологияларни қўллаш;
- туризм маҳсулотини ишлаб чиқиш ва сотишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

**Ташкилий ва бошқарув фаолиятида:**

- туристик саноат ташкилотлари ва корхоналарида функцияларни тақсимлаш ва ижрочиларнинг ишини ташкил этиш;
- туризм соҳасида тезкор бошқарув қарорларини қабул килиш;

- харажатларни рационализация қилиш мақсадида корхонада туристик фаолиятни ташкил этиш харажатларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

**Хизмат кўрсатиши фаолиятида:**

- интеграциялашган туризм хизматлари учун сифат стандартлари ва хавфсизлик стандартларини таъминлаш;

- истеъмолчиларга ва (ёки) сайёхларга хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш;

- туризм соҳаси хизматлари сифатини ва стандартлаштиришни таъминлаш учун ички норматив ҳужжатларни мустақил равишда ишлаб чиқиш имконияти;

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- туристик хизматлар бозорини ўрганиш ва мониторинг қилиш;

- миллий туризм ривожланишининг замонавий тенденциялари ва ҳалқаро туризм бозорини таҳлил қилиш ҳамда унинг асосида илмий хуносалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- статистик маълумотлар базасини тўплаш, услубий қўлланма ва кўрсатмалар тайёрлаш;

- маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан туризм соҳасида олинган натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда тадқиқот режасини ишлаб чиқиш;

- танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳамда унинг назарий ва амалий аҳамиятини асослаб бериш;

- ишлаб чиқилган режага мувофик мустақил ҳолда тадқиқот олиб бориш;

- олиб борилган тадқиқот натижаларини илмий жамоатчиликка илмий мақола ёки маъруза шаклида тақдим эта олиши;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуналарни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Дизайнерлик фаолиятида:**

- мижозларнинг туристик ва рекреация эҳтиёжларини кондира оладиган ва менежер иш олиб борадиган тузилишга реал фойда келтирадиган ижтимоий ва тижорат, шунингдек туристик-экскурсия ва меҳмонхона хизматларининг самарали дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- жозибали экзотик элементларга эга турларнинг эксплуатацион дизайнни (шу жумладан буюртмачининг буюртмаси бўйича) ва юқори сифатли хизмат;

- зарур давлат ва хусусий ташкилотлар ва муассасалар, сайёхлик агентликлари, агентликлар, меҳмонхоналар, божхона ва солиқ хизматлари, чегара идоралари, ички ишлар ва миллий хавфсизлик органлари, санитария-эпидемиология ва валюта назорати органлари, бошқарув тузилмалари билан ўзаро муносабатларни самарали равиша (компания манфаатларида) амалга ошириш.

- туристик хизмат кўрсатиши тизимида ишлаб чиқариш, бизнес, реклама, ахборот ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- туристик хизматлар ва товарларни сотиш каналларини шакллантириш ва такомиллаштириш;

- маҳаллий ва хорижий сайёхларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида туристик корхоналарда сифат менежменти тизимини жорий этиш;

- туризм корхоналари ишчилари фаолиятининг моделини оптималлаштириш ва кадрларни муносаб танлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

### **Ахборот технологиялар фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолиятида глобал туризм индустриясини, халқаро ва ички туризмнинг иктисодий асосларини, халқаро ва ички хизмат бозорларида туристик маҳсулотни илгари суриш технологияларини тавсифловчи асосий тушунчаларга замонавий ёндашувларни профессионал равишда қўллаш.

- Ўзбекистон билан туристик алоқаларга эга бўлган мамлакатларнинг туристик ва рекреацион ресурслари ёки уларнинг ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги замонавий маълумотлардан фаол фойдаланиш;

- турлар ташкил этилаётган мамлакатлар ва миңтақаларнинг иктисодий, сиёсий, миллий ва маданий хусусиятлари тўғрисидаги билимларни қўллаш ва уларни ишларида ҳисобга олиш;

- туристик саёҳатлар хавфсизлигини таъминлаш;

- сайёхлик сайёхлик жойларида атроф-муҳитни ижобий бошқариш;

- сайёҳлар ва дикқатга сазовор жойлар билан маълумот ва йўрикнома сұхбатларини режалаштириш ва ўтказиш;

- туристик корхона (ташкилот) самарадорлигини ошириш, инвестицияларни жалб килиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш максадида туристик бозорни маркетинг тадқиқотлари;

## **2. 71010401- Туризм (фаолият турлари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил килиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўрганилган шарқ ва гарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чикиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-хукукий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўнкималарига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўнкималарига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алохидаги бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил килиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйиш кўнкималарига эга бўлиши;
- экскурсия ва туристик фаолиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш;
- туризм амалиётида мавжуд меъёрий-хуқуқий базадан фойдаланиш;
- туризм корхонасининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- жаҳон туризм индустриясининг ривожланиш тенденциялари, унинг трансмиллий моҳиятини билиш;
- туризм иқтисодиётининг асосий тоифалари ва тушунчаларининг назарий моҳиятини тушунишнинг муқобил вариантларини шакллантириш;
- туристик оқимларни таҳлил қилиш;
- олинган билимларни туризм бизнесида амалий муаммоларни ҳал қилишда қўллаш;
- ҳалқаро туризмнинг барқарор ривожланишини баҳолаш усулларини аниклаш;
- туристик ва рекреацион ресурсларни миқдорий ва сифатли баҳолашни амалга ошириш;
- маълум бир соҳаларда ва умуман минтақада бозор сиғими ва туристик талабнинг тузилишини ҳисоблаш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўнкималарига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- туризм соҳасидаги тадқикотлар методологияси, илмий тадқикотлар асослари, тадқикот жараёнини тавсифлаш, хуносаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқикот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқикот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини била олиш;
- туризм жараёнларининг назарий ва амалий муаммоларини тадқик этиш учун зарур материалларни излаб топиш, тасниф қилиш ва тизимли асосда таҳлил қилиш учун тегишли усулларни;
- хорижий туристик бозорлар ҳолатини таҳлил қилиш;
- меъёрий-хукукий ҳужҷатларни иқтисодий экспертизадан ўтказишни билиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, мутахассислик, касбий фаолият обьекти, профиль, туризм, туристик обьект, турист, турмаҳсулот, тур пакет, турагентлик, туроператор, меҳмонхона, экспурсия, гид, ҳалқаро туризм, зиёрат туризми, тадбирлар ташкил этиш, ресторон бизнеси, кейтеринг, мижоз, буюртма, эко туризм, альтернатив туризм, аэропорт, транспорт, нарх, рекама, сұғұрта трансфер, чипта, бизнес-класс, денгиз, чартер, брон, ваучер, яшил коридор, индивидуал тур, туризм модели, туризм турлари, ҳаво йүллари, темир йүллар, ички туризм, инфратузилма, круиз, овқатланиш, спа, регистрация картаси, сафари, чегирма, форс-мажор, хостел, истеъмолчи хулки, меҳмонхона бошқаруви, туризм маркетинги, туризм менежменти, лойиҳалаштириш, прогнозлаштириш, сертификатлаштириш, туризм даромадалари, туристик оқим, фортуна, йүловчи, транзит, анимация, етказиб бериш, туристнинг хуқуки, саёҳатчи, туристик дестинациялар, ваучер, туризмда логистика, туризмда акция, туризмда бошқарув, ракамли туризм, тарихий обидалар, макроминтакалар, туризм географияси.

## КЕЛИШУВ ВАРАГИ

### ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор

Г.Ш.Рихсиева

2021 йил « 18 » 08

### КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министрлари  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор в.б.

М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва  
спорт вазирлиги



Бандар Уринбосари

А.Аккулов

йил « 18 » 08

Ўзбекистон халқаро ислом академияси



Ректор в.б.

М.Комилов

2021 йил « 18 » 08

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети



Ректор

К.Шарипов

2021 йил « 18 » 08